



TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ
XO'JALIGINI MEXANIZATSİYALASH
MUHANDİSLARI İNSTITUTI



FAN: • Elektrotexnologiya

MAVZU

Каршилик воситасида қизитиш усуллари



Eshpulatov Nodir
Mamatqurbanovich



Elektrotexnologiyalar va
elektr jihozlaridan
foydalanish kafedrasi
dotsenti



Режа:


- 1.Каршилик
усуллари
- 2.Биринчи тур ўтказгичларининг
электр қаршилиги
- 3.Иккинчи тур ўтказгичларниңг электр
қаршилиги
- 4.Электр контактли қизитиш
- 5.Кизитгич трансформаторлар
кувватини ҳисоблаш ва танлаш

Қаршилик воситасида қизитиш - электр энергиясини иссиқлика айлантиришнинг анчагина оддий усули бўлиб, кўплаб ўрта ва паст ҳароратли жараёнлар, шунингдек баъзи бир юқори ҳароратли жараёнларни иссиқлика бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Бу усул электр қизитишнинг анчагина самарали усули ҳисобланади. Шунинг учун бу усул халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида ва майший хаётда кенг тарқалган. қаршилик воситасида қизитиш куйидаги соҳаларда қўлланилади: паст ҳароратли қизитиш - $T_{қизиш} < 673...873$ К (ҳавони, сувни қизитиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш), юқори ҳароратли қизитиш - $T_{қизиш} < 1473...1523$ К (металларни тоблаш, иссиқлик билан ишлов беришда).

Электр токи қизитиладиган жисм (мухит) орқали ўтса, қизитишнинг бу усули бевосита ҳисобланади бу усулда қизитиш жисми электр энергиясини иссиқликка айлантиришга ва меҳнат предмети сифатида хизмат қиласи. қаршилик воситасида бевосита қизитиш фақат ўтказгич жисм ва мухитлар учун кўлланилади. Агар қиздириш жисми фақатгина электр энергиясини иссиқликка айлантиришга хизмат қилса ва иссиқлик қиздириш жисмiga (мухитга) узатилса, бу усул қаршилик воситасида билвосита қизитиш ҳисобланади. Ушбу холатда қизитиш жисми қиздиргич элемент яъни меҳнат қуроли бўлиб ҳисобланади. қаршилик воситасида билвосита қизитиш кўпинча резистив ёки элементли қизитиш деб хам аталади ва шунга мос равишда ускуналар хам элементли сув қиздиргич, тупроқни элементли қизитиш ва хоказолар каби номланади.

Қаршилик воситасида бевосита қизитиш қуидаги турларга бўлинади:

1. электр контактли қизитиш-метал жисмларни- биринчи тур ўтказгичларни бевосита қизитиш;
2. электродли қизитиш-электр ўтказувчи мухитлар-ионли ўтказувчанликка эга бўлган иккинчи тур ўтказгичларини (сув, сут, тупроқва хоказолар) бевосита қизитиш.



Қаршилик воситасида электр қизитиш схемалари
 а-электр контактли; б-электродли; в-бильосита
 (элементли); г-электролитда қизитиш; 1-
 қиздириладиган жисм; 2- қисқичлар; 3-қиздириш
 трансформатори; 4-электродлар; 5-электр
 қизитгичнинг қаршилик элементи; 6-газ пуфаклари

Қизитиш ўтказгични (ўтказгич мухитни) электр занжирига улаш ва ундан электр токи ўтиши ҳисобига амалга ошади. Агар R электр қаршилигига эга бўлган ўтказгичга U кучланиш берилса манбадан истеъмол қилинадиган қувват қуидагича ифода этилади

$$P = U^2 / R = I^2 R,$$

Ўтказгичда τ вакт давомида ажralадиган иссиқлик микдори Жоуль-Ленц қонунига асосан қуидаги формула билан аниқланади

$$Q = U^2 \tau / R = I^2 R \tau$$

Келтирилган ифодалардан кўринадики, қизитиш жараёнини белгилаб берувчи асосий омил қиздириладиган жисмларнинг (бевосита қизитиш ускуналарида) ёки қиздиргич элементларнинг (бильвосита қизитиш ускуналарида) электр қаршилигидир.

Биринчи тур ўтказгичларининг электр қаршилиги

Ўтказгичнинг ўзгармас токдаги қаршилиги омик қаршилик деб аталади. Ўтказгичнинг ўзгармас 1 узунлиги ва S кўндаланг кесими юзаси бўлса, омик қаршилик қўйидагича аниқланади

$$R_0 = \rho l / S$$

Индуктивликсиз металл ўтказгичларининг ўзгарувчан токдаги қаршилиги актив қаршилик деб номланади ва у юза эфекти коэффициенти ҳисобига омик қаршиликдан кўпроқ бўлади:

$$R_a = k_\pi \rho l / S$$

бунда $k_\pi = R_a / R_0$ - юза эфекти коэффициенти.

Материалларнинг солиширма қаршилиги ρ -улар ҳароратининг функциясиdir. $\rho(t)$ боғлиқлик материаллар қаршилигининг ҳарорат характеристикаси деб аталади. Металларда ρ нинг микдори, қоида бўйича, ҳарорат t ошиши билан ўсади ва t нинг хар қандай қийматида у қуидаги формула билан аникланади

$$\rho_t = \rho_{20} (1 + \alpha\theta + \beta\theta^2 + \gamma\theta^3 + \dots)$$

Қаршиликнинг ҳарорат коэффициенти деб аталувчи α , $^0C^{-1}$ катталик ўтказгичнинг муҳим физик характеристикаларидан биридир

$$\rho_t = \rho_{20} (1 + \alpha\theta)$$

Иккинчи тур ўтказгичларнинг электр қаршилиги

Иккинчи тур ўтказгичлари электролитлар деб аталади. Унга кислоталар, тузлар ва ишқорларнинг сувдаги эритмаси, шунингдек, турли хил суюқ ва намликка эга материаллар (сут, хўл озуқалар, тупрок) киради.

Дистилланган сув 10^4 Ом·м солиштирма электр қаршилигига эгадир ва амалий-жихатдан электр токини ўтказмайди, кимёвий тоза сув эса яхши диэлектрик ҳисобланади. Оддий сув таркибида молекулалари сувда ионларга диссоциацияланадиган ва унда (электролитик) ўтказувчанлик ҳосил қиласидиган эриган тузлар ва бошқа кимёвий боғлиқликлар бор. Сувнинг солиштирма электр қаршилиги тузлар концентрациясига боғлиқ бўлади ва эмпирик формула ёрдамида аникланади

$$\rho_{20} = 8 \cdot 10^3 / C,$$

бунда ρ_{20} - 20°C да сувнинг солиштирма қаршилиги, Ом·м, С-тузлар концентрацияси йиғиндиси, мг/л.

Иккинчи тур ўтказгичларининг электр қаршилиги ҳароратга боғлиқдир. Ҳарорат кўтарилиган сари сувдаги тузлар ионларининг диссоциация даражаси ва харакатчанлиги ошади, натижада ўтказувчанлик яхшиланиб қаршилик камаяди. Сезиларли даражада буғ ҳосил бўлиш даражасигача хар қандай т ҳарорат учун сувнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги чизиқли боғланиш функцияси билан аниқланади

$$\gamma_t = \gamma_{20} [1 + \alpha(t - 20)],$$

бунда γ_{20} - 20°C даги сувнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги; α - $0,025\ldots 0,035^{\circ}\text{C}^{-1}$ га teng бўлган ўтказувчанликнинг ҳарорат коэффициенти.

Техник ҳисобларда кўпинча ўтказувчанлик эмас, солиштирма қаршилик кўрсаткичидан


$$\rho_t = 1/\gamma_t = \rho_{20}/[1 + \alpha(t - 20)]$$

ва $\alpha=0,025^{\circ}\text{C}^{-1}$ деб қабул қилиниб, $\rho(t)$ боғлиқликнинг содда кўринишидан фойдаланилади.

Электр контактли қизитиш

Электроконтактли қизитишнинг асосий қўлланиш соҳалари қуидагилар:

1. Оддий шаклдаги деталлар (валлар, ўқлар, ленталар) бевосита қизитиб термик ва механик ишлов беришда;
2. Контактли пайвандлашда;
3. Ейилган металларни эритиб қуиши орқали тиклашда (Электр контактли эритиб қуиши);
4. Трубаларни музлашини олдини олиш, музлаганини эритиш учун ва ичидаги суюқликларни қизитиш ва ҳк.



Электроконтактли қизитишнинг принципиал схемаси: 1 — детал; 2 - қизитиш трансформатори; 3 – узатиш шиналари; 4 — зажимлар (контактлар).


Детал (1) электр занжирига уланади ва ундан ўтадиган ток ҳисобига қизийди.

Деталларни электр контактли қизитиш қўйидаги афзалликларга эга:

1. Қизитишнинг юқори тезлиги ($10\ldots40\ ^\circ\text{C}/\text{s}$), бу эса печларда қизитишга нисбатан металл структурасининг юқори сифатини таъминлайди;
2. Металларнинг оксидланиши ва куйиши (9..10 марта) кам қаршиликли печларга нисбатан;
3. Иш жараёнида юқори технологик маданият ва санитария шароитлари яратилади ва ҳоказолар.

Электроконтактли қизитиш қўйидаги камчиликларга эга:

1. Бу усул ёрдамида оддий шаклдаги жисмларни қизитиш мумкин;
2. Катта иккиласми ток ҳосил қилувчи маҳсус қизитиш трансформаторлари зарур булади;
3. Токни деталга узатишнинг қийинлиги, Қисқичлар детал билан яхши контактга эга бўлиши керак.



Электр контактлы қизитиши схемаси:
 а-пайвандлашда; б-эритиб қуишида ; в-
 қиздириб юзани қалинлаштиришида.

1. Қизитгич трансформаторлар қувватини ҳисоблаш ва танлаш

1. Materialni elektrokontaktli qizitish transformatorining foydali quvvati (P_{fay}) qyidagi formuladan topiladi

$$P_{\text{fay}} = \frac{mc(t_2 - t_1)}{\tau_n}, \text{ kVt},$$

Bu yerda, m — qizdiriladigan material massasi, kg;

$$m = \frac{\pi \cdot d^2}{4} l \cdot j,$$

d — material diametri, m;

l — material uzunligi, m;

j — po'latning zichligi, $7,8 \cdot 10^3$ kg/m³ qabul qilinadi;

c — po'latning solishtirma issiqlik sig'imi, $0,48 \cdot 10^3$ kJ/kg °S;

t_1, t_2 — boshlang'ich va oxirgi xarorat, $t_1=20$ °S qabul qilinadi;;

τ_n — qizish vaqt, soat;

$$\tau_n = \frac{\Delta M}{\Delta \rho} c \cdot (t_2 - t_1), \text{ s.}$$

ΔM — 1 m uzunlikdagi material solishtirma og'irligi, kg/m;

$\Delta \rho$ — detalning qiztiladigan birlik uzunligiga birlik vaqt bo'yicha mos keladigan energiyaning o'rtacha intensivligi, Vt/m. Tajriba natijalariga ko'ra $\Delta \rho = 160...250$ kVt/m.

2. Transformatorning to'la quvvati

$$S = \frac{k_x \cdot P_{\text{fay}}}{\eta \cdot \cos \varphi}, \text{ kVA}$$

Bu yerda, k_x — zaxira koefitsiyenti, 1,1...1,3 oraliqda qabul qilinadi;

η — fik, $\frac{l}{d^2}$ nisbatga bog'liq bo'lib, 2 jadvaldan qabul qilinadi;

$\cos\phi$ – quvvat koeffitsiyenti, $\frac{l}{d^2}$ nisbatga bog'liq bo'lib, 2 jadvaldan qabul qilinadi.

2 – jadval. Hisoblash uchun ma'lumotlar.

$\frac{l}{d^2}$, mm ⁻¹	0,05	0,1	0,15	0,2	0,25	0,3	0,35	0,4	0,45	0,5	0,55
η	0,5	0,62	0,68	0,73	0,76	0,78	0,8	0,81	0,82	0,83	0,84
$\cos\phi$	0,5	0,62	0,68	0,73	0,76	0,78	0,8	0,81	0,82	0,83	0,84
τ_n , s	5	9	13	17	21	25	29	33	37	41	45

3. Qizdirish transformatorlari ko'pincha qisqa muddatli - takroriy rejimda ishlaydi, shuning uchun to'la quvvatda ishlash davomiyligi PV (nisbiy birliklarda) hisobga olinib aniqlanadi:

$$S_{ave} = S\sqrt{\Pi B},$$

Bu yerda, ΠB — ishlash davomiyligi nisbiy birliklarda quyidagicha topiladi:

$$\Pi B = \frac{\tau_v}{\tau_s + \tau_n},$$

τ_n – detalni almashtirish vaqt (pauza vaqt), 2 jadvaldan qabul qilinadi.

PV eng yaqin standart katta qiymatgacha yaxlitlanadi: 0,15; 0,25; 0,40; 0,60.

4. Transformatorning ikkilamchi chulg'amidagi kuchlanish, yani detalga beriladigan kuchlanish quyidagicha topiladi:

$$U = \sqrt{\frac{P_{\text{факт}} \cdot R_t}{\eta_{\text{тр}}}}$$

Bu yerda, $\eta_{\text{тр}}$ – transformatorning FIKi, 0,9...0,95 oraliqda qabul qilinadi;
 R_t – o‘rtacha qizish xaroratidagi detalning qarshiligi

$$R_t = k_s \cdot \rho_t \cdot \frac{l}{\pi \cdot d^2}, \text{ Om,}$$

$$\frac{4}{4}$$

k_s – yuza effekti koeffitsiyenti

$$\text{agar } a < 1 \text{ bo‘lsa, } k_s = 1 + \frac{a^4}{3},$$

$$\text{agar } a > 1 \text{ bo‘lsa, } k_s = 1 + \frac{1}{4} + \frac{3}{64a},$$

a — razmersiz parametri (hamma razmerga xam to‘g‘ri keladigan) quyidagi formuladan aniqlanadi:

$$a = \frac{d}{4 \cdot Z_s},$$

Z_s – tokning metalga kirish chuqurligi, m:

$$Z_s = 503 \sqrt{\frac{\rho_s}{\mu \cdot f}},$$

μ – magnit o'tkazuvchanlik, $\mu = 100$ qabul qilish mumkin

ρ_s – qizish vaqtida xaroratlar farqining o'rtachasi uchun po'latning solishtirma qarshiligi

$$\rho_s = \rho_{20} \left(1 + 0,0055 \cdot \theta + 9 \cdot 10^{-6} \cdot \theta^2 \right), \text{ Om.m};$$

ρ_{20} – 20°S xaroratdagi solishtirma qarshilik, $0,135 \cdot 10^{-6}$ Om.m qabul qilinadi;

$$\theta = \frac{t_1 - t_2}{2} – o'rtacha xaroratlar farqi.$$

5. Ishchi tok quyidagicha topiladi:

$$I = \frac{\frac{P_{\text{fond}}}{U_{\text{ном}}}}{\frac{3}{U}}, \text{ A.}$$

6. Transformatorming salt ishlash kuchlanishi ish davomida detaldagi kuchlanish (U) va ikkilamchi chulg'amdag'i isrof (ΔU)lar yig'indisidan tashkil topadi

$$U_{\text{ном}} = U + \Delta U$$

ΔU ning qiymatini quyidagicha qabul qilish mumkin $\Delta U = 0,1U$, u xolda $U_{\text{ном}} = 1,1U$. Olib borilgan xisoblar asosida transformatorming asosiy kattaliklarini 3 jadvalga kiritamiz.

Transformatorning to‘la quvvati, kVA	Ikkilamchi kuchlanish, V	Transformatorning salt ishlash kuchlanishi, V	Ishchi tok, A	Transformatornin g xisobiy quvvati, kVA

Асосий адабиётлар

1. А. Раджабов., Муратов Х. М. Электротехнология. - Т.: Фан, 2001. 203 б
2. Багаев А.А., Багаев А.И. Куликова Л.В. Электротехнология: учебное пособие. Барнаул: Изд-во АГАУ, 2006 – 320 с.
3. Баранов Л.А., Захаров В.А. Светотехника и электротехнология. – М.: Колос, 2006. – 344 с.

Күшимиңча адабиётлар

1. Басов А.М, Быков В.Г, Лаптев А.В, Файн В.Б. Электротехнология. - М.: Агропромиздат. 1985.
2. Болотов А.Ф., Шепель А.Г. Электротехнологические установки. - М.: Высшая школа. 1988.
3. Живописцев Е.Н. Электротехнология и электрическое освещение. М.: Агропромиздат 1990.
4. Карасенко В.А., Заяц Е.М., Баран А.Н., Корко В.С. Электротехнология. М.: Колос. 1992. – 265 с.